

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил июль ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси М.Улуғбеков, Д.Рўзиматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи вояга етмаган М.Эсонов ва унинг қонуний вакили У.Маматов, ҳимоячиси адвокат И.Саиповлар иштирокида, судланувчи вояга етмаган Эсонов Мухаммадшукурхон Умархон ўғлига оид **1-1503-2102/543**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Вояга етмаган Эсонов Мухаммадшукурхон Умархон ўғли 2004 йил 21 октябрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, муқаддам суданмаган, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, ишламайди, Қўқон шаҳридаги 33-сонли мактабнинг 10-синф ўқувчиси, А.Навоий мавзеси 69-уй, 36-хонадонда яшайди, эҳтиёт чора тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 11 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларни текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Эсонов Мухаммадшукурхон Умархон ўғли 2021 йил 24 май куни соат 18:30 ларда Қўқон шаҳар, А.Навоий мавзеси, 74-уйнинг орқа томонида жойлашган музқаймоқ дўкони ичида жабрланувчи вояга етмаган М.Хошимов билан ўзаро жанжаллашиб кетиб, жанжал давомида ёнидаги пичоқдан совуқ қурол сифатида фойдаланиб, вояга етмаган М.Хошимовнинг биқин соҳасига қасддан бир мартаба уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.



Суд тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 25 май кунги №3362-сонли хулосасида М.Хошимовда чап биқин-бел соҳасида шу соҳа мушакларини шикастланган қорин парда орти бўшлиғига тешиб ўтмаган санчилган кесилган яраси бўлиб, ўрта оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Олиб борилган тергов ва тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида жабрланувчи З.Азимовага тегишли 1 дона “Ред Ми 5” русумли уяли телефон аппарати ва жабрланувчи М.Рафиқовга тегишли 1 дона “Ред Ми Ноте-7” русумли уяли телефон аппарати холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи М.Эсонов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2021 йил 24 май куни соат 17:30 ларда жияни Сабинахонни тўғарагига олиб бориш мақсадида жияни билан кўчага чиққанида, уйларини ёнида жабрланувчи Мухаммадризо иккита бегона ўртоқлари билан бирга ўтирганлигини кўриб, уларни олдида бориб сўрашганида Мухаммадризо унга “сен кўп қаватли уйга келиб кетадиганларни нима сабабдан ҳисоб китобини қиляпсан, мени акахонимга кўп қаватли уйга келманг деб айтибсан” деб айтиб, Мухаммадризо унга юр сен билан гаплашиб олайлик деб, уни шу яқинда жойлашган Музқаймоқ сотадиган дўкон олдида боришини айтганида жиянини уйига ташлаб чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида финка пичоғини ўзи билан бирга олиб, эғнидаги шимининг ортига яшириб олганини, Мухаммадризо билан дўконга кирганида уни Азиз исмли шериги дўкон эшигини ичкаридан қулфлаб, телефонида видеога олаётганини кўриб Мухаммадризога у билан жанжаллашиш мақсади йўқлигини айтиб турганида, Мухаммадризо унга тан жароҳати етказиш мақсадида ташланиб кетганини, шу пайт ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ёнидаги финка пичоғи билан Мухаммадризони бел соҳасига бир маротаба санчиб олганини, шу пайт Мухаммадризони Азиз исмли таниши кўлига пичоқ олганини кўриб кўкон эшигига зарб билан уриб эшик очилиб кетгани сабабли ташқарига чиқиб кетганини, жабрланувчини ўлдириш нияти бўлмаганини, ёнидаги пичоқни ўзини ҳимоя қилиш мақсадида олиб келганини, оила аъзолари жабрланувчини шифохонада даволатиш билан боғлиқ барча сарф ҳаражатларни қоплашганини, ёшини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, гарчанд судланувчи М.Эсонов суд мажлисида тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув берган бўлсада, уларнинг содир этган жинояти иш бўйича қуйидаги ишончга сазовор далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Жабрланувчини қонуний вакили Х.Содиқов суд мажлисида, 2021 йил 24 май куни соат 19:00 ларда ўғли Мухаммадризо ўқийдиган Қўқон шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг директори телефон қилиб, мактабга етиб келишини, ўғли Мухаммадризо бир киши билан уришиб қолганини айтганидан сўнг мактабга борган вақтида ўғли Мухаммадризони мактаб ёнида пичоқлаб қўйишганини, ҳозирда



шифохонада эканини билганини, ўғли пичоқлаган вояга етмаган М.Эсоновни ота онаси ўғлини шифохонада даволатиш билан боғлиқ барча ҳаражатларни қоплаганини, ўғлини соғлиғини тиклаш мақсадида турмуш ўртоғи билан Россия Федерациясига кетгани сабабли суд мажлисида иштирок эта олмаганини, бугунги кунда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Акрамов суд мажлисида, 2021 йил 24 май куни соат 16:30 ларда Қўқон шаҳар, А.Навоий мавзеси, 69-сонли кўп қаватли уйнинг ёнида Махмуд, Рахматилло, Мухаммадризолар билан бирга ўтиришган вақтда ушбу кўп қаватли уйда яшовчи Мухаммадшукур исмли бола олдиларига келиб Мухаммадризо билан гаплашиб бироз гап таллашиб қолишганини шундан сўнг улар алоҳида гаплашиб олишлари учун музқаймоқ дўкони томонга кетишганини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан олдидан Шукур югуриб ўтиб кетганини, унинг орқасидан Мухаммадризо биқинини ушлаб келиб уни Мухаммадшукур пичоқлаб қўйганини айтиб, бироз хушини йўқотгани сабабли уни шериклари билан шифохонага олиб боришгани ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи вояга етмаган М.Хошимовни суд мажлисида текширилган дастлабки терговда қонуний вакили иштирокида 2021 йил 24 май куни соат 16:40 ларда А.Навоий мавзесидаги 68-уйнинг ёнида Мирзаадхам ва унинг шериги билан бирга гаплашиб ўтиришган вақтида шу кўп қаватли уйда яшовчи Мухаммадшукур исмли бола уларни олдига келиб, Мирзаадхам акага “акалар бу ерда нима қилиб ўтирибсилар” деб гапирганида Мирзаадхам ака “нимага эди, ўзимиз шундай ўтирибмиз, ўтириб бўлмайдими” деб айтганида шукур бўлса сингилларимиз бор, бу ерда ўтирманглар деб айтганини, Мирзаадхам ака синглиси кимлигини, қайси мактаб, нечинчи синфда ўқишини сўраганиди, Шукур 2-синфда ўқийди деб айтганида улар 2-синф қизга қараймизми биз деб кулишганини Шукур бу ерда ўтирманглар деб қўпол гапиргани учун у билан тортишиб қолганини, ва юр четроққа бориб гаплашиб оламиз деб Қўқон шаҳар А.Навоий мавзесидаги 74-уйнинг орқасидаги музқаймоқ сотиладиган жойга бориб, Музқаймоқ сотадиган Азиз исмли болани дўконини ичида у зўр бўлиб қолганмисан деганида, унга сан домга хўжайинлик қилма, синглим кичкина қизча экан, биров унга қарайдиган ёшда эмас, акаларга нотўғри гапирдинг деб у билан уришиб кетиб, Шукурни оёғи билан тепган вақтида, у ёнидан пичоқ чиқариб, уни чап биқинига бир маротаба уриб, дўкондан чиқиб қочиб кетиб юборгани ҳақида кўрсатув берган.

Бундан ташқари, судланувчини айби ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова, ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова, Суд-тиббийет экспертизасининг 25.05.2021 йил кунги 3362-сонли хулосаси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 16-бандида



Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2007 йил 27 июндаги Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Қарорининг 2-бандида Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозим.

4. Баданга ҳар қандай оғирлик даражасида қасддан етказилган шикаст учун жавобгарлик айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан, ЖК [104—110-моддаларида](#) кўрсатилган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишини тақозо этади. Агар мазкур оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлсада, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишлича бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари билан квалификация қилиш учун асослар бўлмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шундай қилиб суд, судланувчи вояга етмаган М.Эсонов 2021 йил 24 май куни соат 18:30 ларда Қўқон шаҳар, А.Навоий мавзесидаги 74-уйнинг орқа томонида жойлашган музқаймоқ дўкони ичида жабрланувчи вояга етмаган М.Хошимов билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида ёнидаги финка пичоғидан қурол сифатида фойдаланиб, вояга етмаган М.Хошимовнинг биқин соҳасига қасддан бир маротаба уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказишдан иборат ҳаракатлари билан ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Суд, судланувчи вояга етмаган М.Эсоновга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги, 12-бандидаги вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда судлар ЖК [81—90-моддаларида](#) белгиланган хусусиятларни инобатга олишлари шарт. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш пайтида ЖК [54-моддасида](#) назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ҳар бир муайян ҳолда, шунингдек унинг



ривожланиш даражаси, турмуш шароити ва тарбияси, соғлиғи, жумладан, руҳий ривожланиш даражаси, жиноятни содир этиш мотивлари, катта ёшдаги шахсларнинг унинг хулқ-атвориға салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар, шахсига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар аниқланиши ва баҳоланиши лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахс иш судда кўриляётган вақтда вояга етган бўлса ҳам, унга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ёки миқдори ЖК [82—85-моддаларида](#) белгиланган максимал муддат ва миқдорлардан ошиши мумкин эмаслиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида шунингдек вояга етмаган А.Актамовнинг жиноятни содир этишдаги иштирокчилик даражасини, уни жиноят содир этгунига қадар бўлган хулқ атворини, содир этган жиноятларини ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни келгусида жинойий фаолиятини давом эттирмаслиги мақсадида у айбланаётган 105-моддаси 2-қисмида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлаш орқали уни ахлоқан тузатиш мумкин деган хулоса қилади.

Шунингдек суд М.Эсоновни дастлабки тергов ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2021 йил 25 май куни ушланиб, 2021 йил 26 май куни озод қилинганни инобатга олиб, уни дастлабки тергов давомида ушлаб турилган бир кунини унга тайинланган жазодан ЖКнинг 62-моддаси тартибида чегиришни лозим топди.

Шунингдек суд жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қолангани жабрланувчи ва уни қонуний вакилини моддий ва маънавий жиҳатдан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топди.

Вояга етмаган М.Эсоновга нисбатан ЖПКнинг 563-моддаси талаби асосида ўқиш жойи ҳисобланган Кўқон шаҳридаги 33-сонли умумий ўртатаълим мактабидан жамоат тарбиячиси тайинлашни лозим топди.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ашъвий далил тариқасида олинган бир дона финка пичоғини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Вояга етмаган Эсонов Мухаммадшукурхон Умархон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан айбли деб топилсин.



М.Эсоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан ЖКнинг 84¹-моддасига асосан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Эсоновни сутканинг соат 20:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

М.Эсоновга ёнида ўткир кесувчи жисмларни сақлаш, олиб юрмаслик мажбурияти юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўқон шаҳар ИИО Пробация бўлимига юклатилсин.

Жозони ўташ муддати Қўқон шаҳар ИИО Пробация бўлиmidан рўйхатдан ўтган кундан ҳисоблансин.

Судланувчи М.Эсоновга жамоат тарбиячиси тайинлансин.

Жамоат тарбиячиси тайинлаш мажбурияти Қўқон шаҳридаги 33-умумий ўртатаълим мактаби раҳбарига юклатилсин.

Вояга етмаган М.Эсоновга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона бўлимидаги депозит ҳисоб рақамидаги 5.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчи У.Маматовга қайтарилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган бир дона қора рангли “финка” пичоғи ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳамда уларнинг қонуний вакиллари ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: (имзо)

М.Улуғбеков

ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Жиноят ишлари бўйича

Қўқон шаҳар судининг судьяси

М.Улуғбеков

